



БУЮК БРИТАНИЯ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ЁРИТИШ ТАЖРИБАСИ¹

*Қаҳрамон ТУРСУНОВ,
сиёсий фанлар номзоди, доцент*

Британиялик олим, мутахассис ва эксперталар Ўзбекистонда давлат бошқарувининг барча соҳалари ва иқтисодиёт тармоқларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидламоқда. Улар, шунингдек, мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган фаол саъӣ-ҳаракатларига (жумладан, 2018 й. март ойида Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича халқаро конференция муваффақиятли ўтказилганига) юксак баҳо берди².

Маълумки, Британияда ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин тутувчи жамият институтлари – таҳлил марказлари – фаолият олиб боради. Дунё бўйича энг таъсирчан кучга эга 175 та таҳлил маркази мавжуд бўлиб, улар ичida биринчи ўринни Брукингс инс-

ти тути (Brookings Institution, АҚШ), иккинчи ўринни Чатем-Хаус (Chatham House, The Royal Institute of International Affairs, Буюк Британия), учинчи ўринни эса – Франция халқаро муносабатлар институти (French Institute of International Relations) эгаллаган.

Буюк Британияда мустақил Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати масалалари, хусусан, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти асослари шакллантирилиши жараёнини ўрганиш ва ёритилиши билан, шу жумладан, Лестер университети (University of Leicester), Сент-Эндрюс университети (University of St Andrews), Кембриж университети (University of Cambridge), Марказий Осиё бўйича Кембридж форуми (Cambridge Central Asia Forum), Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази (Oxford Centre for Islamic Studies), Бирлашган кучлар Қироллик институтининг (Royal United Services Institute for Defence

¹ Ушбу мақола “Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society” журналида чоп этилган Австралия, Бельгия, Миср, Япония, Франция, Италия, Латвия, Малайзия, Буюк Британия, Россия, Германия, Жанубий Корея, Швейцария, Индонезияга багишланган мақолалар туркумининг давомидир. Қаранг, шунингдек: Турсунов К. Великобритания: изучение опыта формирования основ гражданского общества в Узбекистане // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2011. – №3; Турсунов К. Буюк Британия: Узбекистонда модернизация жараёнларига янгича ёндашувларни ўрганиш ва ёритиш тажрибаси // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2018. – №2 ва бошқ.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари билан учраши. 2018 й. 15 май // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.



and Security Studies, RUSI) олим, мутахасис, экспертылари шуғулланмоқда³.

Иккала мамлакат ўртасида маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидағи алмашинувлар кенгаймоқда. Мамлакатимизда Ҳалқаро Вестминстер университети ва Британия кенгашининг ваколатхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Диёrimiz пойтахти ва ҳудудларида Кембриж университети иштирокида Президент мактабларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик давом этмоқда⁴.

Фақатгина 2021 йилнинг ўзида Ўзбекистон олий ўқув юрглари ва илмий муассасалари билан Ҳайлэндс энд Айлэндс (University of Highlands and Islands – UHI)⁵, Нортумбрья (University of Northumbria – UoN)⁶, Страффордшир (Staffordshire University)⁷, Манчестер Метрополитан (MMU)⁸, Марказий Ланкашир (UCLan)⁹, Сандерленд (University of Sunderland)¹⁰, Портсмут (The University of Portsmouth) ва бошқа университетлар ўртасида онлайн-музокаралар ўтказилди.

³ Турсунов К. Буюк Британия: Ўзбекистонда модернизация жараёнларига янгида ёндашувларни ўрганиш ва ёритиш тажрибаси // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2018. – №2.

⁴ Президент хорижий давлатлар элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди. 2019 й. 20 сентябрь // www.president.uz.

⁵ Ҳайлэндс энд Айлэндс университети 1992 йилда ташкил этилган. Унинг таркибида 13 та коллеж ва 24 та тадқиқот институти мавжуд. Университет туризм, фуқаролик муҳандислиги, бизнес бошқаруви, тиббиёт, қайта тикланадиган энергия, барқарор қишлоқ тараққиёти ва бошқа соҳаларда кадрлар тайёрлашга ихтисослашган.

⁶ 1877 йилда ташкил этилган Нортумбрья университети Буюк Британия давлат университети ҳисобланади. “Times Higher Education World University Rankings 2020” маълумотларига кўра, мазкур олий таълим маскани дунёдаги энг яхши 400 та таълим муассасалари қаторидан ўрин олган.

⁷ 1906 йилда ташкил этилган Staffordshire University давлат университети ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мазкур олий таълим масканида 15 минг талаба таҳсил олмоқда. Университет Буюк Британиядаги энг обрўли 100 та олий билим юрти қаторидан ўрин олган.

⁸ 1824 йилда ташкил этилган Manchester Metropolitan University Буюк Британиянинг олтинчи йирик давлат университети ҳисобланади. Университет “QS World University Ranking” рейтингига 601-ўринни эгаллайди.

⁹ UCLan Буюк Британиянинг йирик университетларидан бири бўлиб, унда 100 дан ортиқ мамлакатдан 40 мингга яқин талаба таҳсил олади. “Times Higher Education World University Rankings” рейтингига кўра, университет дунёнинг энг яхши 800 та университети қаторига киради.

¹⁰ Мазкур олий билим юрти “The Guardian University 2020” рейтингига Буюк Британия университетлари орасида STEM таълими, бошлангич ва ўрта мактабларда аниқ, гуманитар ва табиий фанлар (кимё, физика, АҚТ, математика, биология, география, тарих ва бошқ.)ни интенсив ўқитиши соҳасида ўқитувчиларни тайёрлаш, инклузив таълим ва ўқитувчилар малакасини оширишида 2-ўринни эгаллаб турибди.

¹¹ Рахимов Ш. Жамиятни демократлаштиришда фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш (Ўзбекистон ва Буюк Британия мисолида). – Тошкент, 2020.

¹² Президент Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосарини қабул қилди. 2016 й. 16 декабрь // www.president.uz.

Ўзбекистон ва Буюк Британия фуқаролик жамиятида фуқароларнинг сиёсий иштироки ва сиёсий фаоллиги масалаларининг ўзаро ўхшаш томонлари қўйидагилар: иккала мамлакатда ҳам фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган; фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлик қилишининг меъёрий асослари мавжуд; фуқаролар томонидан парламентга электрон мурожаат киритиш мумкин; фуқароларнинг саводхонлик даражаси деярли юз фоизга тенг¹¹.

Ўзбекистон Буюк Британияни жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган давлат, деб билади ва сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ушбу мамлакат билан ўзаро манбаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш, ҳалқаро майдонда, жумладан, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратади¹².



Хозирги вақтда икки томонлама ҳамкорликнинг ижобий динамикаси кузатилмоқда. Мамлакатлар ўртасида муентазам равишда турли даражадаги ташрифлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Камилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг 2019 й. июль ойида Буюк Британияга ташрифи уюштирилди.

Бугунги кунда сиёсий муроқот ва парламентлараро алоқалар фаол давом эттирилмоқда¹³. 2020 й. февралда Буюк Британия парламентида Консерватив партияси депутати Э.Бриджен раҳбарлигига Ўзбекистон бўйича янги Умумпартия парламент гуруҳи ташкил этилди. 2017 й. январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг Биринчи ўринбосари С.Сафоев Лондон шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф давомида замонавий ривожланишга ва республиканинг устувор йўналишларига бағишенган брифинглар, бир қатор йирик компаниялари ҳамда илмий доиралари билан учрашувлар ўтказилди¹⁴.

Кўриниб турибдики, Буюк Британияда олиб борилаётган тадқиқотлар мамлакатимиз томонидан танланган йўлнинг тўғрилигини, амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар самарадорлигини яна бор тасдиқлайди.

Асосий манбалар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 й. 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия Парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳини ташкил этиш тўғрисида”ги Қўшма қарори // “Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz.

¹³ Ўзбекистон Президенти Буюк Британия ташқи ишлар вазирининг ўринбосарини қабул қилди. 2019 й. 16 апрель // www.president.uz.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттилоқи билан ҳамкорлиги // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг веб-сайти – www.mfa.uz.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 й. 8 майдаги “Тошкент шаҳридаги Британия менежмент университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // www.lex.uz.

Тавсия этилаётган қўшимча манбалар:

Ўзбекистон – Буюк Британия: ҳамкорликнинг янги уфқлари. 2018 й. 4 февраль // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг веб-сайти – parliament.gov.uz.

Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Т. Торлот билан онлайн учрашув. 2020 й. 30 июль // parliament.gov.uz.

Британиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича элчиси билан суҳбат. 2021 й. 21 январь // parliament.gov.uz.

Великобритания: опыт изучения и освещения демократических реформ в Узбекистане

*Кахрамон ТУРСУНОВ,
кандидат политических наук, доцент*

Ключевые слова: новейшая история Узбекистана, правовое государство, гражданское общество, демократические реформы, опыт продвинутых стран.

Краткое содержание. Представлены оценки реформ в Узбекистане учеными, специалистами, экспертами британских аналитических центров, научных и образовательных учреждений.

United Kingdom: practice of researching into and covering democratic reforms in Uzbekistan

*Kahramon TURSUNOV,
PhD in Political Science, Associate Professor*

Keywords: Uzbekistan's latest history, state ruled by law, civil society, democratic reforms, experience of advanced nations.

Summary. The author offers assessment of reforms in Uzbekistan by scientists, specialists, experts of British think tanks, research and educational institutions.